# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 9 ноябрь, пайшанба № 135 (1399).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 9 ноября 2000 г. № 135 (1399).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Азиз дўстлар!

Барчангизни эришган улкан марра — пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартномавий режани муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Қўли гул, кўнгли очиқ, ҳиммати баланд Фарғона халқи тадбиркор ва ташаббускорлиги, ўз ишига фидойилиги билан азал-азалдан бу муборак замин шуҳратини дунёга тараннум этиб келаётгани барчамизга яхши маълум.

Об-ҳаво ноқулай келган бу йилги мураккаб шароитда бор куч-ғайратингиз, сабру матонатингизни ишга солиб, чинакам мардлик ва омилкорлик фазилатларини намоён этиб, ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил олиб, 362 минг тонналик юксак хирмон бунёд этганингиз бу ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлаб турибди.

Пахтачиликдаги бу ютуқ қишлоқда бозор муносабатларини қарор топтириш, хўжалик юритишнинг замонавий шаклларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, деҳқонларда ерга ва мулкка эгалик туйғусини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, туб ислоҳотларни амалга ошириш борасида муҳим қадамлар қўйилаётганидан далолатдир.

Нафақат пахтачиликда, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам замонавий технологияларни қўллаш, Фарғона деҳқончилик мактабини илғор тажрибалар билан бойитиш яхши натижалар бераётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Қадрли дўстлар!

Гўзал Фарғонанинг миришкор пахтакорлари, лафзи ҳалол деҳқонларини, бутун вилоят аҳлини яна бир бор бағримга босиб, катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман.

Келгуси ишларингизда барчангизга улкан зафарлар тилайман, хонадонларингиздан тинчлик-тотувлик ва файз-барака аримасин. Халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги олижаноб интилишларингизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарлари негизида яратилган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи маънавий-мафкуравий ҳаётимиздаги янги босқични белгилаб берди. Мамлакатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан бошланадиган бу рисоланинг «Миллий ғоя ва мафкуралар тарихи», «Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун кураш», «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар», «Миллий истиқлол мафкураси», «Миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдириш» деб номланувчи беш бобида маънавий-маърифий тараққиётимиз тамойиллари, Ватан равнақи, ёш авлодни юксак миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг муҳим масалалари баён этилган.

Вазирлар Маҳкамасида мазкур масалалар юзасидан ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси, «Миллий истиқлол мафкураси» концепциясини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Ёшларимизда аждодларимиз мероси, кўп асрлик урф-одатларимиз, миллий анъаналаримизни қадрлаш, ота-онага ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини кучайтириш, турли ёт ғояларга қарши мафкуравий кучни шакллантириш энг долзарб вазифа эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи жамиятимизнинг турли қатламлари орасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ҳамда ғоявий-мафкуравий тарғибот ишларини кучайтиришга жиддий туртки беради, ана шу соҳадаги амалий ишлар йўналишини белгилаб олишга хизмат қилади. Бу эса мазкур фаолиятда иштирок этаётган жамоат ташкилотлари фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда).

● СУД ЗАЛИДА

## Террорчининг гўлоҳи

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12 нафар айбланувчи устидан давом этаётган суд жараёнида илгари судланган ва ҳозир жазо муддатини ўтаётганларнинг гувоҳлик кўрсатмалари беришни давом эттирилди.

«Ўзбекистон исломий ҳаракати» деб аталмиш террорчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири — Тоҳир Йўлдошевнинг «ташқи ишлар вазири» ҳисобланган Зайниддин Асқаров ўз кўрсатмаларида Тожикистон ва Афғонистонда яширинган жиноятчилар хориждаги ҳомийларидан катта миқдордаги пул маблағлари, қурол-яроғ олиб турганини ва бевосита халқаро террорчи Усома бин Лодин билан боғлиқлигини маълум қилди. Т. Йўлдошев, Ж. Ҳожиев хорижий мамлакатлардаги турли фундаменталистик исломий ҳаракатларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳфий ташкилотга аъзо бўлиб, мазкур марказ раҳбарларидан 1998 йилда Ўзбекистонда «жиҳодни бошлашга» «фатво олгани» ислом экстремизмининг муайян бошқарув маркази мавжудлигидан далолат беради.

З. Асқаровнинг айтишича, ўзини «демократик мухолифат раҳбари» деб жар солиб, хориждаги турли ташкилот ва ҳомийларни лақиллатиб пулини олиб юрган Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) аслида Тоҳир Йўлдошевнинг югурдагига айланиб қолган. Бундай товламачиликлари учун Т. Йўлдошев уни ҳатто жазолаган ҳам, яъни маълум муддат ўчоққа ўт ёқувчи — гўлоҳ қилиб қўйган. Умуман, мазкур жиноий гуруҳ раҳбарлари ўртасида ҳокимият ва обрў талашиш авж олган бўлиб, бу йўлда улар ҳар қандай қабиҳликлардан ҳам тоймаганлар.

Шунингдек, гувоҳ Т. Йўлдошев, Ж. Ҳожиев ва С. Мадаминов Ўзбекистонда ҳокимиятни эгаллаш борасида узоқ муддатли режалар тузгани, Тошкентдаги февраль воқеаларидан кўзланган мақсад амалга ошмагач, террорчилик ҳаракатларини олиб бориш услуби ўзгартирилгани, Боткен, Сурхондарё, Янгиобод ва Бўстонлиқдаги воқеалар бунинг натижаси эканини айтди.

Андижонлик тижоратчи Рустам Маматқулов Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида Ўзбекистондан келганларни «Тоҳир Йўлдошевнинг ҳузурига жўнатувчи марказ» ташкил қилган. У Т. Йўлдошев билан Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва Эронда учрашиб, катта миқдорда пул олган ва бу маблағни Ўзбекистондан қочган жиноятчиларни яшириш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлашга сарфлаган. 16 февраль портлашларининг бевосита ижрочилари айнан Р. Маматқулов ёрдамида хорижга қочирилгани ва улар Т. Йўлдошевга бевосита алоқадорлиги ҳам суд мажлисида маълум бўлди.

З. Асқаров ва Р. Маматқулов Туркияда Интерпол томонидан қўлга олиниб, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилган.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА).

● СЕНИНГ УГЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

## БУРЧ—ҚАЛБ АМРИ



Жанговар навбатчилик энг муҳим жанговар вазифалардан биридир. Шу боис ҳам уни ўташдан олдин доимо шахсий таркибга йўл-йўриқ кўрсатилади. Бунинг учун қисм ва бўлинмаларда жанговар навбатчиликка тайёргарлик кўриладиган синфлар ёки махсус ўқув хоналари бўлиши мумкин. У ерда ҳарбий хизматчиларга Низом бўйича барча талаб ва кўрсатмалар командирлари томонидан такрор ўргатилади. Шундан сўнггина шахсий таркиб жанговар навбатчиликни ўташга тайёр ҳисобланади. Дейлик, посбон қисмнинг назорат-ўтиш жойи бўйича навбатчи ёрдамчиси қилиб тайинланди. Хўш, у нималарга эътибор қаратиши лозим? Келинг, яхшиси буни аскарларнинг ўзидан эшита қолайлик.

Оддий аскар Санжар Жўраев **(суратда)** Қашқадарёнинг Қарши туманидан. Бу аълочи посбон Низом талабларига оғишмай риоя этиб келаётгани учун ҳам иши беш. Йигитлик мактабида ўтган бир йили давомида у жанговар навбатчиликнинг ҳадисини олди. Шу боис ҳам қисм қўмондонлиги томонидан айнан жанговар навбатчиликни аъло даражада ўтагани учун қатор рағбатлантиришлар олган.

(Давоми 2-бетда).

● ПРИЗЫВ: ОСЕНЬ-2000

## НА ПОСТОЯННОЙ ОСНОВЕ

**В беседе с исполняющим обязанности начальника Управления по делам обороны Андижанского вилоята подполковником Шухратом Мамадовым услышал о том, что в вилояте создана постоянно действующая призывная комиссия. С обсуждения этого нововведения и начался наш разговор...**

**— Товарищ подполковник, обычно комиссии создаются во исполнение соответствующих постановлений Кабинета Министров Республики Узбекистан и осуществляют свою деятельность в сроки, отведенные на время проведения призывных кампаний. Не значат же ваши слова, что в Андижанском вилояте призыв идет в течение года?**

— Конечно же, нет. Да и соответствующая областная призывная комиссия является постоянной лишь в определенном смысле. В промежутках между призывами она собирается периодически на заседания в целях обсуждения работы Управления по делам обороны по допризывной подготовке юношей, военно-патриотическому воспитанию молодежи, обучению специалистов для Вооруженных Сил в системе ОСО «Ватанпарвар».

Цель введения этого новшества — сломать сложившийся годами стереотип

(Окончание на 2-й стр.).

